


✉ Беш ойда редакциямиз жойлардан 2000 дан зиёд хат-хабар олди.  
 ✉ Шунинг 1500 га яқини газетада эълон қилинди.  
 ✉ Редакцияга келган шикоят, аризаларнинг умумий сони 250 тани ташкил этди.  
 ✉ Шикоят ва аризалар асосида 90 га яқин танқидий мақола тайёрланди.  
 ✉ Танқидий мақола, ариза, шикоят-

ларни, уларда кўтарилган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилиши ҳақида маълумот беришни сўраб, мутасадди ташкилотлар, масъул раҳбарларга юборган эдик.  
 Шулардан 112 тасига кўтарилган муаммолар ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоб келди.  
 ✉ Лекин Қашқадарё вилоят ҳокимлиги дехқонбодлик Ю. Мўминовнинг, Фар-

ғона вилоят суди бағдодлик С. Йўлдошевнинг, Фарғона вилоят ички ишлар бўлими Фуркат тумани О. Бегматовнинг, Тошкент шаҳар суди Сирғали тумани, 5-мавзе, 50-уй, 26-хонадонда истиқомат қилувчи Х. Обидованинг, Узун тумани ҳокимлиги «Хурсанд» жамоа хўжалиги аъзоси А. Маматқуловнинг муҳарририятга келган шикоятларига, шунингдек газетада chop этилган Қ. Раҳимовнинг

«Боқибегамлик» мақоласига Хоразм вилоят ҳокимлиги, А. Малленконинг «Сабо талабларнинг хайрияси муҳтожман» мақоласига «Маҳалла» ва «Наврўз» жамғармалари, А. Соколовнинг «Лаб тишлаб қолдик» мақоласига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз вақтида муносабат билдириш лозимлигини унутиб қўйдилар чоғи, улардан мана бир неча ойдирки, жавоб олинмади.



### Газетхон хабар беради

## КўПГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ҲАМ САВОБ

Шахрихондаги 37-автокорхона вилоятдаги ийрик жамоалардан бири ҳисобланади. 730 нафар ҳайдовчи меҳнат қилаётган корхона жамоаси доимо қувончли натижаларга эришиб келаётган. Бу йил корхона ишчилари 11 миллион 500 миң нафар йўловчига намунали транспорт хизмати кўрсатишни режалаштиришган.

Халқимизда: «Ранг кўр, ҳол сўр», деган нақл бор. Биз ҳам ана шу нақлга амал қилиб, дастлаб автокорхона ишчи-хизматчиларига яратилган шарт-шароитлар билан қизиқдик. Автокорхона бошлиғи Толибжон Усмоновнинг таъкидлашича, жамоада ҳайдовчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Автокорхона ҳудудида бирийўла 15 нафар одамга хизмат кўрсатилган сауна, замонавий типдаги ошхона ва чойхона ишлаб турибди. Корхона ихтиёридаги болалар боғчасида эса ишчиларнинг 270 нафар фарзанди тарбияланмоқда.

Камхарж оилаларнинг фарзандлари бепул тарбияланишарти. Ўтган йилнинг сўнги чорасида кам даромадли оилаларнинг икки нафар фарзандига жамоа ҳисобидан суннат тўйи қилиб берилди. Ҳасанбой РУСТАМОВ, Андижон вилояти.

### «Халқ сўзи» аралашгач...

Газетага келган шикоят ва аризаларнинг ҳаммаси юзасидан у ёки бу мазмундаги материал тайёрлаб chop этилиши ҳар вақт ҳам имкони бўлавермайди. Шу бос кўпчилик ҳолларда уларни жойларда ўрғаниб чиқиб учун вилоятлардаги мутасадди ташкилот раҳбарларига жўнатилган ва жўли, аниқ жавоб келгунча бундай ариза ва шикоятлар газета назоратида туради.  
 Кунни кеч ана шундай қатор хатларга жавоб олдинди. Улардан айримлари билан тапшиштирилди.

### ЎЗ ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Фарғона шаҳар Х. Сулаймонов кўчасидаги 39-уйда яшовчи А. Мирҳашимовнинг «Халқ сўзи» газетасига йўлланган шикоят хатидаги талаби — унинг ишдан ноҳақ бўшатирилганлиги масаласи вилоят суғ хўжалиги бирлашмаси раҳбарияти томонидан афтоқлича ўрғаниб чиқилиб, ҳақи талаби қондирилди, — дейилди Фарғона вилоятидан олинган хатда.

Мазкур масала юзасидан ариза муаллифи Фарғона шаҳар судига ҳам мурожаат этганлиги туфайли, шаҳар судининг

### БАВЗИДА ЖУМБОҚҚА АЙПНАЁТГАН ЖАВОБЛАР

1995 йил 28 мартдаги қарори асосидаги Фарғона жамоа хўжаликларига кенгашининг 1995 йил 29 мартдаги 22-К сонли буйруғига қўра, Абдуҷаббор Мирҳалимов ўз вазифасига қайта тикланди.

Б. ЭРҒАШЕВ,  
вилоят ҳокимининг ўринбосари.

ДЕХҚОН ХЎЖАЛИГИ ТУЗИШГА РОЗИЛИК БЕРИЛДИ  
Иккинчи бир шикоят хати

юзасидан Сурхондарё вилояти Қизирқ тумани ҳокими Р. Шойимов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда Р. Мардонақуловнинг «Хўшбоқ баҳши» дехқон хўжалиги тузишига қилинган тўғрилиқ аниқлаш бартараф этилганлиги хусусида, жумладан, бундай дейилди:  
«Х. Мардонақуловнинг ши-

ламбоқ» жамоа хўжалиги билан «Хўшбоқ баҳши» дехқон хўжалиги ўртасида шартнома тузилиб, бу йилча ер майдонида фақат пахта ҳосили етиштирилади.  
1996 йилдан бошлаб эса, дехқон хўжалиги аъзолари янги шартнома асосида бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экинчи му-

ҳам худди шу сабаб билан газетага йўлланган эди. Лекин шу масалани бунчалик онорагарчилик ва асабозарликлариз ҳам ҳал этса бўларди-ку? Наҳотки, ташкилот ва хўжалиқлар, нари борса туман ҳокимликлари доирасида ҳал қилса бўладиган масалаларга айнан «Халқ сўзи» аралаштириш шарт бўлса? Биз бугун фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат қуриш сари юзланаями? Иншооллоҳ, яқин келажакда жойлардаги бу каби ҳолатлар бутунлай бартараф этилиши шубҳасиз.

Яна бир гап: кўпчилик жавоб хатларида матнлар шунчалек совуққонлик билан тузилдики, дехқон, боғбон, талбирқор фермерни оворая сарсон қилган раис, укүвиз ҳоким ёки фикрлаш доираси ёки тузум тошу тарозиси билан ўлчанган қандай жазо белгиланганлиги жумбоқлигича қолмоқда. Унда газета хатни ўз назоратида олишидан мақсад нима?  
«ХАЛҚ СЎЗИ» ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ.

# ХАЛҚ СЎЗИ - ҲАҚ СЎЗ



МУСТАКИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ - ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚҮЙИШ

## «МАНАС»НИНГ МИНГ ЙИЛЛИК ТҮЙИ УЗБЕКИСТОНДА

Диёримиз узра «Манас» эпосининг минг йиллик тўйини нишонлашга оид тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Андижон вилояти, Буюқбоши туманида «Дустлик, биродарлик» сайди бўлиб ўтди. Мазкур

тадбирда Андижон вилояти қирғиз миллий-маданий маркази раиси А. Алиев, уйғур маданий маркази раиси Х. Мусоев, Ўш ва Андижон вилоятлар ҳокимликларидан ташриф буюрган вакиллари «Манас» эпоси минг

йиллигининг кенг нишонланиши тадбирлари борасида маъруза қилилди. Тантаналар давмида қирғиз синфлари ўқувчилари ижросида қирғиз элининг тарихи бўйича баҳс ва театртиширилган баддий музикйи дас-

турлар намоиш қилинди. Туманда «Қирғиз фольклор дастаси» фаолият юрита бошлагани эътиборга лойиқдир. Бундай ансамбллар ва «Манас»нинг 1000 йиллик тўйи қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасида оқётган дўстлик-биродарлик сарчашмаларидан баҳраманд бўлишга даъват этгуви воситадир.  
Гулимира МУСАЕВА.

### Ташаккур билдиради

## САБР-ҚАНОАТ ЙЎЛДОШИМИЗ БЎЛСИН

Ассалоуму алайкум, «Халқ сўзи» ходимлари! Мен газеталарингизнинг ҳар бир сонини диққат билан ўқиб бораман. Саҳифаларда берилаётган мақола ва суҳбатлар, айниқса, «Бир пилла чой устида» дам олиш саҳифаси мента жула манзур бўлмоқда. «Ўзингизни биласизми?» рўкни остида Дейл Карнеги асаридан парчалар бериб берилаётгани ва бу хайрли ишнинг доимий йўлга қўйилганлиги мени беҳад қувонтиради.  
Бугунги ўтиш даврида, ёшларни сабр-тоқатта, инсофу адолатга қақририш, ота-онага меҳр-оқибатли бўлишга ундашнинг ўзи катта бир сабов. Саҳифада бу хусусдаги пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг Ҳадис шарифларидан намуналар бериб борилиши нур устига аъло

нур бўлаяпти. Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсат, унинг самараси ўлароқ, чет мамлакатлар билан ўрна-тилаётган узаро дўстона алоқаларнинг мунтазам ёритиб борилиши, элчилар билан суҳбатлар, хорижлик меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи хусусидаги репортажлар, қўшма корхоналар фаолиятининг ёритилиши — буларнинг ҳаммаси газетанинг ўз йўналишига эга эканлигидан беҳад қувонтиради.  
Яна бир гап: бобимиз Амур Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллиги олдидан ёзилаётган мақола ва очерклар, ул зотнинг «Тузуқлар»идан намуналар берилиши кўпчиликка манзур бўлди. Ўйлайман-ки, бу хайрли ишлар яна давом эттирилади.  
Тўғри, бутун турмуш ша-

роитимизда унча-мунча қийинчиликлар, айрим етишмовчиликлар мавжуд. Лекин булар, Худо хоҳласа, ҳадемай ортда қолади. Юртбошимиз уқтирганларидек, иншооллоҳ, юртимизнинг келажуги буюк. Ўша нурафшон кунларга эришиш учун ҳозир ҳаммамизга сабр-қаноат, ҳуш ҳулқлик, ота-боболаримизга доимо йўлдош бўлган неки яхши сифатлар бор, бизнинг ҳам ҳамроҳимиз бўлмоғи лозим.  
Бу хайрли-хиллатларни халқимизда камол топтиришда, яна ўз-ўзидан сиз — газета ходимларининг хизмати беқўёсдир. Мана шу сабовли, аммо заҳматли йўлда сизларга куч-қувват, сабр-қаноат сўраб муҳлиснингиз:  
Ш. АБДУКАРИМОВ,  
Қашқадарё вилояти,  
Усмон Юсуфов тумани.

### Жиноят жазосиз қолмайди

## СИМҒОҶГА «ИШҚИ ТУШГАНЛАР»

Кўнгал экан-да, Фарғонадан Наманганга меҳмонга келган Маҳмудалининг симҒоҷори йўл четидаги симҒоҷорли оҳанрабодай ўзига тортиди. «Наҳотки эшик, деразабон, тўсинбон шундай нарсалар уззутун қўриқчисиз турса-ю, ҳеч ким тегмаса?» деган ўй келди калласига. Ўзим ҳар бири 6 метр. Йўлнинг одам белидай. Симлари-чи? Қизларнинг силлиқ ўрилган сочларига ўхшайди-я! Уларни йўқ қилиб, пулласам бориқ?...»  
СимҒоҷорга «ишқи тушган» Маҳмудали кўн бош қотириб ўтирмади. Улимдан бошқасининг тезроқ бўлгани маъқул, дея астойдил енг шимарди. Жўраларини уюштириб, олис масофадаги «Украина» жамоа хўжалигининг кимсасиз далалари қўйнидаги симҒоҷорларнинг симларини узиб, арралади. Лекин ишбилармонларнинг хаёли сароб бўлиб чиқди. 23 та симҒоҷо ва 1500 метр сим Бувайда туманидаги Ойдинқўл қишлоғидан яна Мингбулоқ туманига қайтириб келинди. Афсус, қўйчилари энди мойга ботиши арафасида турган симҒоҷо «ишқ»лари армонда қолишди. Суд Маҳмудали Эшбевони 5 йил, Урмон Уриновни 2 йил, Давлатали Қайомовни 4 йил мuddатга озодликдан маҳрум этиши ҳақида ҳукм чиқарди.  
Қосимжон АКБАРОВ,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

## КўнҒач газетхон мактуби БОСИМИ ДОИМО «О»

Туямўйин—Нукус суғ йўлининг фойдаланишга топширилганлиги Қорақалмоғистоннинг шимолий минтақаларидаги қатор туманлар аҳолисини тоза ичимлик суғидан баҳраманд этди. Лекин негидир орадан бир неча йил ўтса ҳам, Тўртқўл тумани ва шаҳарнинг шундоқ бўлишидан ўтган суғ қувурларидан биз бебаҳра қолаймиз. Бу гапларимиз айрим раҳбарларга галати туюлиши мумкин. Чунки шаҳарда собиқ Иттифоқ даврида ўтказилган, қишу ёзда аҳолини суғза бўлган талабини қондира олмаётган, босими доимо «О»га тенг, суғи шўр, киши саломатлигига зарар etkazувчи минералларга бой бўлган водопровод тармоғи мавжуд.  
Шаҳар аҳолисининг ичимлик суғидан қийинлаётгани тўғрисидаги ҳақли эътирозлари оммавий ахборот воситаларида бир неча бор тилга олинганига қарамай, аҳвол ҳамон ўша-ўша. Бунинг сабабларини сўрасак, янги насос тармоғи ишга тушгач, талабларингиз қондирилади, дейишмоқда.  
Туямўйин суғ қувурига хизмат кўрсатувчи насослар саякам 300 кмга яқин масофага суғ чиқариш қувватига эга бўлса-ю, ундан бор-йўғи 65 километрик узокликда бўлган Тўртқўлга суғ чиқаришининг имкони бўлмасе?  
Абулло БЕКЧОНОВ,  
Уруш ва меҳнат faxриис.  
Тўртқўл шаҳри.



Дангара туманидаги меҳнат, бандлик ва аҳоли ижтимоий ҳимоялаш бўлими жамоаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида турли кичик корхоналар, цехлар барпо этишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки яқинда уларнинг сая-ҳаракати билан бу ерда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган кичик завод куриб битказилди.

СУРАТДА: бўлим бошлиғи А. Яхъев, механизациялашган кўча колонна бошлиғи М. Алиқонов, ҳоким муовини А. Маъмуров ҳамда ишчи Ғайратжон Раҳмоновлар. Т. ҲАМРОКУЛ олган сурут.

### Сўраган экансиз...

**БУ ЖУДА ОДДИЙ**  
САВОЛ: ўғлимизга Мэкс деб исм қўйган эдик. У ҳозир 15 ёшга тўлди. Улғайган сари уни Мээс деб қақришимиз эриш туюляпти. Шунинг учун бундан кейин уни Мухаммад деб аташга жазм этдик. Лекин хўжжатларни қай тарзда расмийлаштиришга ҳайронмиз.  
О. АБДУҚАҲҲОРОВ, Самарқанд шаҳри.

**ОХИРГИ ЧОРА СИФАТИДА СУДГА МУРОЖААТ ЭТАСИЗ**  
САВОЛ: Телефонимиз тўрт ойдан буён ишламайди. Лекин пулни уздуксиз тўлаб келаямиз. Уни қайтариб олиш учун қандай йўл тутшимиз лозим?  
М. КАРИМОВ, Тошкент шаҳри.

**УН ФОИЗДАН ЭППИК ФОИЗГАЧА ПУЛ ОПИШИНГИЗ МУМКИН**  
САВОЛ: Вояга етмаган болаларга бериладиган нафақалар хусусида маълумот берсангиз.  
И. НАСРУЛЛАЕВ, Андижон вилояти.


**МАНГУ САОДАТ БОҒИ**  
Тилнинг ёмон суғлардан тий, бошинг салом... бўлади. Уринсиз суғлашининг оқибати пушаймонликка олиб келади.  
Оғизга келгани гаптириб кўп суғлаш ақнинг озлигидан, ёлгон нарсаларни суғлаш ироданинг заифлигидан, овозни баланд кўтариб суғлаш эса билмининг йўқлигидан далолат беради.  
Далилсиз, гумон билан ақилларидан бешиш, уларни ҳалоқ этишга интилиш — бу ўз илдизига ўзи болта уриш билан баробардир.  
Фитна — фасод қилувчи одамлар гарчи сента қариндош бўлсалар ҳам, улардан қончиға ҳаракат қил.  
Разили ва хон одамлар билан дўст бўлиш — илонни қўйинингта солиб юриш билан тенгдир.  
Тушунмаганга, ҳалр билмайдиганга, эшитмайдиганга насихат қилиш ва оғзи бушга сир айтиш катта хатоидир.  
Аҳмоқдан қанча йироқ бўлсанг, бошинг шунча соғ-омон бўлади. Хиёнатчининг сирини сақлаш — унга шерик бўлишлиқдир.  
Олтиннинг соғитини олов билан, ҳайвонни кўп юк кўтариши билан, инсодини омонатга хиёнат қилмаслиғи билан синалди.  
Саққиз хил одам билан дўстлашини мумкин:  
1. Қанотли кишилар. 2. Ўз суғдан қайтмайдиғанлар. 3. Олимлар ва ҳунар соҳибларини хурмат қилмайдиганлар. 4. Хиёнатдан узоқ юрдувчилар. 5. Яхши ҳулқи, юксак нафосатли кишилар. 6. Жаҳл келганда уларини бошқара оладиган кишилар. 7. Сахий кишилар. 8. Қариндош-уруеларни ва дўст-ёрларни хурмат қилувчилар.  
Саққиз хил одам билан дўстлашини мумкин эмас: 1. Ўз суғида турмайдиғанлар. 2. Очуқулар. 3. Қонун-қондаларга амал қилмайдиғанлар. 4. Хиёнатчилар. 5. Уларини кул каби сотидиган напастхонлар. Фақат Оллоҳгагина бандамиз, яъни кулумиз. Бу ҳақда мавлоно Жалолидин Румий шундай ёганлар:  
**Бил, тиркилик Аллоҳга бандликдир. Бандликсиз ҳаёт шармандаликдир.**  
6. Ахлоқсизлар. 7. Одамлардан гумон қилиб, уларни гуноҳкор қилувчилар. 8. Шарм-ҳаёни унутиб, машаққат бериладиганлар.  
Бу насихатларни тўғри тушуниб, унга амал қилувчи кишилар юксак нафосатли инсонолар бўлиб, мангу саодат боғида умргузаронлик қилаялар.  
Мангу саодатим бўлсин десан гар, Яхши ахлоқ билан ўзингни бега. Юзда порласин нур, бўлгин мисли зар, Ҳаминча илм ўрган ва яна ҳунар.  
Бахриддин МАҚСУД ўғли тайёрлаган.

**ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КҮРИГИ**  
Машҳур композитор, дерижёр ва педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушариф Отажоновнинг номи нафақат Хоразмда, балки республикамиздан ташқарида ҳам яхши таниш. Моҳир санъаткорнинг шоғирдлари устозлари йўлидан бориб ўз соҳаларида катта-катта муваффақиятларни қўлга киритишаргани диққатга моликдир.  
Яқинда Комилжон Отаниёзов номиндаги 1-Урганч санъат мактабида талантли педагог номиндаги мукофот учун ёш музикачиларнинг беллашуви бўлди ўтди. Конкуре қатнашчилари узаро бахсаларга ўзларининг маҳоратларини намоиш этиб, кўпчиликини ҳайратга солдилар. Айниқса, Ойдин Собирова, Юля Сайдаматова, Шахло Юсупова каби ёш ижрочиларнинг чиқилари санъат шайдолари қалбида чуқур таассурот қолдирди.  
— Ҳайбат аъзоларининг баҳолари ёшларнинг ўз устилида кўнг билан ишлашларига бир туртки бўлгусидир. Бу эса келажакда улар орасидан ҳақиқий истеъодларнинг етишиб чиқшига қафолат беради, — дейди билим юрти ўқитувчиси Д. Фанина.  
Л. КЎЧҚОРОВА.

**ҲУҚУҚШУНОС ЗАБИХУЛЛО МУҲАММАДЖОНОВ ТАЙЁРЛАДИ.**

«МУЗҚАЙМОҚ» САЙИПИ

Минг-минглаб тошкентликларни мамнун этди (ФОТОРЕПОРТАЖ)



Сиз музқаймоқнинг неча хилини биласиз? Утган шанба ва ақшанба кунлари пойтахтимиз марказидаги «Сайилгоҳ» кўчасида унинг унлаб тури савдо-ярмаркага кўйилди. Тошкент шаҳар «Озқоғат» акционерлик жамияти томонидан уштурулган бу тадбир халқий байрамга айланди. Хаваскор санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар аса унга тагин-да фойда қилди.

Кўргазма-савдода машҳур хорижий фирмаларнинг ялпирок қорғоларга урилган музқаймоқларидан тортиб Тошкентдаги «Музқаймоқ» жамoa қорхонасида тайёрланган махсулотларгача харид қилиш мумкин эди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида мазкур қорхона барқарор ишламоқда: махсулот assortиментлари кўпайиб, уларнинг сирати тобора ахшиланаётди. Энг муҳими — раҳбарият ишни янгирача усулда ташкил этиб, асосий этиборни хариддорларнинг талабини қондиришга қаратапти. Бу ерда ҳозир мева-чеваалар ва шоколаддан ўндан зиёд турда музқаймоқ ишлаб чиқарилаётгани ана шундай саноат-харакатларнинг самарасидир.

Шу кун «Музқаймоқ» қорхонасининг жамки махсулоти тошкентликларга манзур бўлди. Чунки улар тазм-сирати жиҳатидан хорижикидан асло қолишмас, нархи эса сезиларли даражада арзон эди. Фақат музқаймоқнинг қозғи... Бу мувоим ҳам ҳал этилди, — деди қорхона директори Р. Хўжаев. — Йқин томонлама тузилган шартномага мувофиқ, Қозғистон Республикасидаги Семипалатинск қозғи комбинати тез орада зарур ашёларни юбормоқчи.

Байрамда, шунингдек, шаҳардаги 10 та туман савдо ва умумий оватла-ниш акционерлик жамиятларининг ходимлари турли хил чанқовсоди ичи-ликлар, кондитеро махсулотлари, миллий тоқимлар ва пиширликларни на-мойиш қилдилар.

— Еа кўнларда лимонадлар, кока-кола ва маъданли сувларга талаб ошишини ҳисобга олиб, «Озқоғат» уюшмаси бундай махсулотлар ишлаб чиқариш дахмини кўпайтирмоқда, — деди шаҳар «Озқоғат» акционерлик жамиятининг раиси Муфозил Мисоқов. — Бизнинг вазифамиз аса жойлар-да савдонинг намунали ташкил этган ҳолда хариддорларга кўсон бағишлаш-дан иборат. Бугун, назаримизда, ана шу зарур ниятими ушлагандай. Қаранг, одамларнинг кайфияти қанчалик баланд! Демак, бундай тадбирлар зарур. Биз бундан кейин ҳам анги-яни савдо-ярмаркаларни ташкил этаверамиз.

Биз харидор-дам олувчилар билан ҳам сўхбатлашдик. — Мен бугунги савдо-ярмаркага икки нафар наварамни олиб келгандим, — деб ўз таассуротларини изҳор этди меҳнат фахрийси Д. Саматова. — У кичкинтойларга олам-олам шодлик улашди. Шу боис ушбу тадбирнинг ташкилотчиларига, хусусан, «Миробод» ва «Ипоназор» жамoa қорхоналари ходимларига миннатдорчилик билдиришни истардим.

— Менику кўверинг, айниқса, фаранчаларим мазза қилиб хордик чиқар-дици. Уларга савдо ходимларининг хизмати ҳам, музқаймоқлар ҳам жуда ёқди, — деди мактаб ўқитувчиси К. Махмудов. Бу фикрларга қўшилмасдан илоҳимиз йўқ.

И. ЎТБОСАРОВ, А. ХОТАМОВ, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбирлари. СУРАТЛАРДА: «Музқаймоқ» сайилидан лавҳалар. В. БАГАЕВ олган суратлар.

• Маърифат

Инсон ҳаёти давомида ўз тушунча ва тасаввурини кенгайтириб, аста-секин бу чексиз оламга бошқалардан фарқли ўлароқ «ўз назари» билан қарай бошлайди.

Қуёшнинг тутанмас ёруғ-лик манбаи ва юлдузларнинг хаёлга толдиргувчи жилваси, оҳиста ёғаётган лайлак қорнинг илоҳий шивиридан ҳайратта тушиш... Бундай ҳиссий ва маънавий-руҳий шаклланиш ҳаммага ҳам бир хил кечавермайди, албатта. Энг муҳими, одам ўз хоҳиш-иродасининг нималарга қодир эканлигини англаб, борлиқда мавжуд бўлган воқеа — ҳодисаларга қай нуқтан назардан туриб ёндашмоғида-дир.

«Баъзиларга ҳайронман, мутолаадан бош кўтармайди. Бу ҳам камлик қилгандай, топган пулини китобга сову-ради. Ўқишга бало борми — тўрт кунлик дунёда айшин-ни сурсанг-чи...» Бу — бир танишимнинг гапи. Мента ўзича қуяниб (!) сўзлар экан, унинг «гоясига» эътироз билдириш бефойдалигини билиб, жим қоламан. Айни пайтда юқоридagi сўз-лар танишимнинг ички дун-ёси, қарашларию тушунча доираси қанчалар сезъ экан-лигини ошқор қилиб қўяди.

Қуръони Каримда коннот илм билан иҳота қилиб қўйилганлиги айтади. Бундан одам фақат эгаллаган билимлари орқалигина оламни билишга эришиши мумкин эканлиги аён бўлади. Шу боис ҳам Исломда илм-маърифат кенг тарғиб қили-ниб, ҳатто ибодат даражаси-га кўтарилган. Расули акрам саллолоху

соннинг борлиқ ҳақидаги та-саввурларини бойитар экан. Қай бир жиҳатини олиб қа-рамайлик, буларнинг барча-си бевосита илмга келиб та-қалаверди. Илм эса шубҳа-сиз эъгуликка бошлайди. У орқали инсон ўз қисматини-нг ибтидои ва интиҳосига назар солади, ибратли ҳуло-салар чиқаради. Аммо ҳақи-қатларнинг ҳақиқатини тушу-

кишиларга тенглаштирилади. Яқин-яқинларгача қизил империя ихтиёрида қўли-миздан тортиб олиб, бизни бемаъни хаёлий нарсаларга ишониб яшашга ундаб кел-ди. Юқсак маърифат эгалари халқимиз орасидан тортиб олинди. Ачинарлиси шуки, илм ҳам ана шундай «хаё-лий» нарсаларга халқни ишонтиришга қаратилган эди. Империянинг қўргони улкан, аммо омонат экан. У ҳамманинг кўз ўнгига қула-ди. Халқимиз мустақиллик шарофати билангина чина-кам маърифатга юз бурди. Ота-бобларимиз ардоқлаб келган қадриятларимиз, ди-нимизу эркимиз ўз измига қайтарилди. Ватан сўзи ўзи-нинг асл қиёфаси-ла қарши-нида бутун бўй-баста билан намён бўлди. Юракларимиз-ни ана шу Ватан аталмиш муқалдас туйғу такрор забт айлади. Чинакам илм ва ақл билан яшайдиган давр кел-ди.

Ҳозирги бир қадар мод-дий қийинчилик туғдираёт-ган ўтиш даврида баъзилар ўқиш-ўрганишни йиғишти-риб қўйиб, савдо-сотикқа ёки қасрда мўмай пул топиш им-кони бўлса ўзини уша ёққа ураяпти. Булар юқоридagi таъкидлаб ўтган танишим сингари енгил-елли фикрлов-чи кишилардир, албатта. Бу-лар ўқинчи нарсалар. Зеро ҳаммамизга аён ҳақиқат — она-юртимиз истиқболи ин-соннинг эъгулик сарчашмала-ри сари етаклайди. Ҳақисда айтилганидек, «Толиби илм-га барча нарса истиғфор айта-ди, ҳатто денгиздаги балиқ-лар ҳам!»

Ойбек ТўРАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Муштарий илҳоми

ҒАЗАЛПАР

Дунёда жонлар кўп, лек сендай жонни кўрмадим, Васлига етай дебон, ул моҳитабони кўрмадим.

Ёнди жоним ҳажрингда, ҳажр аро девона бўлдим, Жоним куйди жон аро, лек нисори жонни кўрмадим.

Муҳаббат шамин ёқдим, ул шам аро парвона бўлдим, Меҳрибонни кўп кўрдим, сендай меҳрибонни кўрмадим.

Умид боғлаб васлингга, васл аро сарсона бўлдим, Жаҳонни кездим, аммо сендай жаҳонни кўрмадим.

Умрбоқий йиғлагай, оҳ, ишқингда девонавор, Аншор битиб қуйлагай, лек сендай хоқонни кўрмадим.

Азал-абад халқ дардин қуйлагансан, дуторим, Темуларни жангларга чорлагансан, дуторим.

Шоирларни жўштирдиг, булбулларга жўр этдинг, Омёнини севмоқни ўргатгайсан, дуторим.

Карвонларни толдирами сахраларни тор этдинг, Сахро аро саробни куйдиргайсан, дуторим.

Аншорларим ўзингсан, ўзингсан орзу-армон, Ёдимни авлодларга қолдиргайсан, дуторим.

Сархуш этиб ошиқлар қалбларини боғладиг, Ошиқ аҳлин тўлқиндай жўштиргайсан, дуторим.

Умрбоқий жўшавер, ҳисларингни сочавер, Дил изҳорин Раънога сўзлагайсан, дуторим.

СОҒИНДИМ

(Хорижда)

Етмай қолди бардошим, Жонимини соғиндим. Ғамлар бўлди йўлдошим, Париванини соғиндим.

Тонгим отар Раъносиз, Ул Раънони соғиндим. Куним ботар оҳ, изсиз, Бедор ёрни соғиндим.

Кўзлар бўлди нотавон, Дардақимини соғиндим. Йиғлар юрак безабон, Ул гўзални соғиндим. Висол шамин ёқ, жонон, Висол кунин соғиндим. Юртга қайтгим тез, омон, Дийдор онин соғиндим. УМРБОҚИЙ

«БУРЧ»

масъулияти чекланган жамияти ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги ускуналарни тавсия этади:

- тишириш шарт бўлмаган хом яшилти пресслончи қурилма;
- 4 блокки энг арзон ва жўн шакобкок машиналари;
- 0,2 - 0,4 куб метр ҳажмли бетон қоричлар;
- сарёз тайёрлайдиган қурилма - нархи арзонлаштирилган.

Тошкентдаги телефонлар: 62-13-87, 44-47-20, 44-48-20 соат 18 дан кейин.

ХўЖАЛИКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзинформапроп» тарғибот ва фан-техника ахборотлари республика маркази пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш орқали қуйидагиларни сотади:
- бир сменада 50 килограммдан 1000 килограммгача сабзавот ва меваларни инфракүзл нур ёрдамида қуринадиган стационар митти цехларни;
- электр ёрдамида ишловчи соатига 120 килограмм ун тортадиган универсал тегирмонларни.
Қурнмалар ҳақ тўлангач, дарҳол берилди. Марказ қуйидаги манзилда жойлашган: Волгоград кўчаси, 9а. Телефонлар: 76-59-27, 76-49-18.

Тошкент шаҳридаги «Қарапи» фирмаси омборидан кесилган тахта (50 мм., 40 мм.) сотилади. Тел.: 36-74-41.

Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси 1995 йилда докторантурага қуйидаги ихтисослар бўйича: машинасозликда материалшунослик-1, полимерлар физикаси-1, композицион материаллар химияси ва технологияси-1 ва аспирантурага қуйидаги: полимерлар физикаси-2, композицион материаллар химия ва технологияси-1, юза химияси, технологияси ва физикаси-1, машинасозликда материалшунослик-1 - ихтисослари бўйича қабул эълон қилади. Хўжатлар, эълон газетлада чоп этилган кундан бошлаб шу йилнинг 1 сентябригача қабул қилинади. Мурожаат учун манзилгоҳ: 700095, Студентлар шаҳарчаси, Мирзо Ғолиб кўчаси 7а-уй, «Фан ва тараққиёт» комплекси. Телефонлар: 46-39-28, 46-39-41, 46-53-35.

Вилоятлардан гўшти олиб келиб сотувчилар диққатига! Об-ҳавонинг исиши муноса-бати билан вилоятлардан кел-тириб сотилаётган гўштлиларни-нг бузилишини олдини олиш мақсадида чорва молларингиз-ни ветеринария кўригидан ўт-казиб, махсус жиҳозланган тра-нспортларда Тошкент шаҳри-га тирик ҳолатда келтириб қуйидаги қушхоналарда сўйди-риб сотишингизни тавсия эта-миз. ҚУШХОНАЛАР МАНЗИЛИ: 1. Тошкент отчопари ҳудудида. 2. «Ўзгарин» мавзеида жойлашган 7-қушхона. 3. Шаҳар ҳалқа йўли ёқасидаги «Қўйлик» даҳасида жойлашган 22-қушхона. 4. Шаҳар ҳалқа йўли ёқаси, «На-зарбек» даҳасида жойлашган мар-казий қушхона. 5. Чуқурсойдаги «Қорасарой» кўча-си, 273-уйда жойлашган 4-қушхона.

UZDUNROBITA cellular Хўрматли фуқаролар, қорхона, ташкилот, муассаса, чет эл фирма ва компанияларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳрининг ХОРИЖИЙ МЕҲМОНЛАРИ! Тошкентда катакли (сотовой) алоқа тизими сизимини кенгайтириши ишлари олиб борилаётгани муносабати билан радиотелефонларни сотиши ва уларни тизимга улаш вақтинча, шу йил августгача тўхтатилди. Ушбу ноқулайлик учун уэр сўраймиз! «Ўздунробита» қўшма қорхонаси.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ. БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Туғи муҳарририят 33-10-28. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотлар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — К. Рҳиев. Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 21.00.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00. 1 2 3 4 5 6